

ЭЪЛОН



17:31 / 06.02.2021 1349

Islom.uz портали томонидан Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида ташкил қилинган «Арбаъин» мусобақасининг биринчи куни якунланди.

Якшанба 7 февраль куни соат 9:00 да эркаklar ўртасидаги мусобақа бошланади. Шу куни ғолиблар аниқланиб, мукофотлар ва эсдалик совғалар топширилади.

Эслатиб ўтамиз, танлов икки йўналишда ўтказилади.

Биринчи йўналиш:

- тўртликларни ифодали ёддан айтиш.
- ҳадисларнинг ўзбекча таржимасини ёд олган ҳолда айтиб бериш.

Иккинчи йўналиш:

- ҳадисларнинг ўзбекча ва арабча матнини ҳамда ровийсини ёддан айтиш.
- тўртликни ифодали ёд олган ҳолда айтиб бериш.

Ҳар икки йўналишда ҳам иштирокчилар билет танлашади. Ҳар бир билетда тўртта рақам бўлади. Иштирокчилар шу рақам остидаги ҳадис ва тўртликни **барчасини ёддан айтиб беришлари керак.**

Ушбу тадбирга рўйхатдан ўтган иштирокчилар киришади.

«Арбаъин» танлови «Ҳилол-нашр» нашриётининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Сўгалли ота 5-уй.

«Арбаъин» танлови мусобақаларини islom.uz порталининг ижтимоий саҳифалари орқали кузатиб боринг.

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом қилсин!